ХАЛҚАРО МУСИҚА АНЖУМАНИ ЯКУНЛАНДИ

Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган ва қадимий Самарқандда бир ҳафта давом этган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ниҳоясига етди. Шу кунлар мобайнида Регистон майдонида, шаҳар бўйлаб ташкил этилган саҳналарда Шарқ мусиқа санъатининг ноёб намуналари минглаб санъат мухлислари қалбини ром этди. Фестиваль танловига тақдим этилган куй ва қўшиқларни мингминглаб самарқандликлар, санъат мухлислари қизғин олқишлаб турди. Япония, Корея, Миср, Ҳиндистон, Таиланд, Покистон, Индонезия, АҚШ, Юнонистон, Малайзия, Озарбойжон каби ўттиздан зиёд мамлакат вакиллари ҳам шаклан, ҳам мазмунан ранг-баранг тароналар ижро этсалар-да, уларнинг ҳар бирида чин инсоний меҳр-муҳаббат туйғулари акс этиб турди. Зеро, мусиқа ҳам ҳар қандай санъат асари каби миллат танламайди, у ўз моҳият-эътибори билан умумбашариятга хизмат қилади.

Самарқанд юраги — Регистон майдони 1 сентябрь куни фестиваль қатнашчилари, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар, мусиқа ихлосмандлари билан гавжум бўлди. Бу ерда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Анжуман ғолиблари ва совриндорлари эълон қилинди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур фестивални ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси Исмоил Жўрабеков ҳамда халқаро танлов ҳайъати раиси Харума Кашиба хоним томошабинларнинг олқишлари остида анжуман ғолибларига фестиваль совринларини топширдилар.

Халқаро ҳакамлар ҳайъати озарбойжонлик Сўмара Имонова санъатини гранпри — фестивалнинг энг олий мукофотига муносиб, деб топди. Биринчи мукофотга Муножат Йўлчиева (Узбекистон), Шаину Кҳурана (Ҳиндистон), иккинчи мукофотга Хи Ли (Хитой), Шахрам Назарий (Эрон), учинчи мукофотга Цогтсайхан (Мўғулистон), А. Саможиков (Россия), Рамазон Стамғозиев (Қозоғистон) сазовор бўлдилар. Ҳакамлар ҳайъатининг махсус совринлари Изро Малаков (АҚШ), Кицу Шигари (Япония), Самира Салох ва чолғу дастасига (Миср) топширилди.

Фестиваль ташкилий қўмитасининг махсус мукофотига Туркманистон вакили Парахат Шхимов, ЮНЕСКО махсус совринига кореялик Ли Жун А лойиқ топилди. Шунингдек, фестиваль иштирокчиларига Узбекистон Республикаси жамоат ташкилотларининг, корхона ва муассасаларининг, Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

— Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида қатнашганингиз, муборак узбек заминига ташриф буюрганингиз учун сиз, анжуман иштирокчиларига самимий ташаккур билдирди, — деди И. Жўрабеков. — Ўйлаймизки, бу мусиқа байрами иштирокчилар ва санъат ихлосмандлари қалбида ўчмас из қолдирди.

Ҳайъат раиси Харума Кашиба хоним Узбекистон Президенти Ислом Каримовга, республика ҳукуматига ҳамда анжуман ташкилотчиларига самимий меҳмондўстлик, хайрихоҳлик ва яратиб берилган шароит учун фестивалда қатнашган санъаткорлар номидан чуқур миннатдорчилик изҳор этди.

Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларининг ҳар бир куни учрашув ва мулоқотларга бой бўлди. Узбекистон давлат мустақиллигининг 6 йиллиги муносабати билан ташкил этилган халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандлик буюмлари кўргазмаси уларнинг эътиборини тортди. Анжуман қатнашчилари Самарқанднинг қутлуғ қадамжолари — Улуғбек расадхонаси, Шоҳизинда, Бибихоним, Гури Амир ёдгорликларини қизиқиш билан томоша қилдилар. Челак туманидаги имом ал-Бухорий қабрини зиёрат этдилар. Энг муҳими, улар истиқлол шарофати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришлардан воқиф бўлдилар. Бағрикенг халқимизнинг юксак маънавияти, бунёдкорлик салоҳияти билан яқиндан танишдилар.

Самарқанддаги энг муҳташам «Афросиёб» меҳмонхонаси фестиваль кунлари янада гавжум бўлди. Бу ерда «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» мавзуида ўтказилган илмий-амалий конференция қизғин фикр ва мулоҳазаларга, ижодий баҳсларга бой бўлди. Конференция қатнашчилари «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали анъанавий бўлиб қолиши тўғрисида декларация қабул қилдилар.

Мазкур фестиваль мамлакатимизнинг улкан салоҳияти, халқимизнинг маънавият ва санъатга буюк эҳтиромидан далолат берди. Узбекистоннинг умумбашарий қадриятларга, барча халқларнинг маданияти ва санъатига юксак эҳтиром билан қарашини дунё аҳли олдида яна бир карра намойиш этди. Фестиваль боис Шарқ халқлари, хусусан, ўзбек мусиқаси бутун оламга таралди.

Фестивалнинг расмий ёпилиш маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, Ё. Жалолов, В. Норов, Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, Б. Ҳамидов, Р. Юнусов, республика маданият ишлари вазири Х. Жураев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов, Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев қатнашди.

(ЎзА).

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 2 сентябрь, сешанба № 105 (22.189).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Азиз ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Дўстлар!

Барчангизни биз учун энг улуғ, энг азиз айём — Ўзбекистон давлат мустақиллигининг қутлуғ олти йиллиги байрами билан чин қалбимдан табриклайман!

Мустақиллик биз учун тарихий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, миллий анъаналаримизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, ҳаётимизни эски ҳукмрон мафкура ва мустабид тузум асоратларидан халос этиш имконини бергани билан қадрлидир.

Мустақиллик тақдиримизни ўз қўлимизга олиш, бунёдкор халқимизнинг куч-қудратидан, Ўзбекистон аталмиш бетакрор ва саховатли заминнинг улкан салоҳиятидан тўлиқ ва оқилона фойдаланиш учун, муқаддас Ватанимизга бутун борлиғимизни бахш этиш учун, миллатимиз ва давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши учун шарт-шароит яратгани билан азиздир.

Шу боис буюк аждодларимизнинг, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган отабололаримизнинг асрий орзулари ушалган кун — Мустақиллик айёми халқимизнинг энг муборак байрамидир.

Муҳтарам дўстлар!
Азизлар!

Мана ҳаётбахш озодликка эришганимизга ҳам олти йил тўлмоқда. Бу йиллар миллий давлатчилигимизни тиклаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрў қозониши даври бўлди.

Бу йиллар янги ҳаётнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий пойдеворини қуриш, халқимизнинг оғирини енгил қилиш мақсадида, эркин ва фаровон турмуш қуриш мақсадида дадил қадамлар қўйиш даври бўлди.

Бу йиллар юртимизда тинчлик ва осудаликни, миллатлараро аҳиллик ва ижтимоий тотувликни, ўзаро меҳру оқибатни қарор топтириш ва Оллоҳнинг ўзи бизга инъом этган бу ноёб неъматларни қадрлаш ва эъзозлаш даври бўлди.

Азиз юртдошлар!

Ютуқларимиз ҳақида кўп гапиришимиз мумкин. Лекин шу билан бирга бугун ечилмаган муаммолар, биз ҳали эришолмаган марралар ҳақида гапириш жоиздир. Ёшу қари фуқароларимизни ҳар томонлама рози қилиш заруратини, бажарган ишларимиздан кўра бажаришимиз керак бўлган юмушларимиз кўпроқ эканини ҳам очиқ тан оламиз.

Инсоннинг эҳтиёж ва манфаатлари чексиздир. Унинг руҳида мавжуд шароитдан қониқмаслик, эртанги кунни янада ёруғ, дунёни янада мукаммал кўриш истаги бор. Аслида ана шу истак ва интилиш жамият тараққиётининг асосидир.

Шунинг учун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, 1997 йил — Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани сабаби ҳам, мақсади ҳам ҳар бир юртдошимизнинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашга қаратилгани табиийдир.

Қадрли ватандошлар!

Мустақиллигимизнинг биринчи йили туғилган фарзандларимиз бу йил мактабга боради. Таъбир жоиз бўлса, ўша йили экан ниҳолларимиз мевага кира бошлади. Шукрки, ана шу ниҳол фарзандларимизни — Истиқлолимизни хатарли йиллардан, оғир синовлардан омон олиб ўтдик.

Ватанимизни, ундаги тинчлик ва осойишталикни ёмон кўзлардан асрай олдик. Энг муҳими, мустақиллик бизнинг ор-номусимизга, фахру ғуруримизга, виждон ва иймонимизга айланди.

Шу йиллар мобайнида она-Ватан тушунчаси, ҳуррият ва демократия ғоялари, истиқлол қадрини англаш туйғулари ватандошларимиз қалбидан теран жой олди. Бугун, мен Ватаним учун, уни озод ва обод этиш учун нима иш қилдим, деган ақида билан яшайдиганларнинг сони, сафи тобора кўпаймоқда.

Инсон руҳи абадий яшайди, дейдилар. Бугун шаҳру қишлоқларимиз кундан-кунга гўзаллашмоқда, тараққиётимизнинг омили бўлмиш янги иншоот-корхоналар, муҳташам бинолар, равон йўллар қурилмоқда. Ўзимизда ишлаб чиқарилган машиналар, жиҳозу ускуналар, истеъмол моллари кўзларимизни қувонтирмоқда. Эртанги фаровон ҳаётимизга ишончимизни кучайтирмоқда.

Муҳтарам дўстлар!

Ўтган олти йил Ўзбекистон танлаб олган тараққиёт йўли тўғри эканини тасдиқлади. Буни ҳар кунги ҳаётимизда ҳис этиб турибмиз.

Ўзбекистон дунёга юз очди. Бизни бутун дунё таниди ва эътироф этди. Ўзимиз, ўз қўлимиз билан қурган мустақил давлатчилик пойдевори узра Ўзбекистон деб аталган юксак ва кўркам бино қад кўтармоқда. Унинг илк ғиштини қўйганлардан, келажак авлод истиқболи деб яшаган ва меҳнат қилаётганлардан Яратганимиз ҳам, халқимиз ҳам рози бўлғай, иншоолоҳ.

Азиз юртдошлар!

Мана шу йўлдаги фидокорона саъй-ҳаракатларингиз, самарали, сермазмун меҳнатингиз учун барчангизга, бағри кенг, мард ва танти халқимизга мана шу юксак минбардан туриб таъзим қиламан. Бугунги қутлуғ дамлар, Мустақиллик байрамимиз билан яна бир бор ҳаммангизни муборакбод этаман.

Илоё, мустақиллик дарахтимиз, кураётган, барпо этаётган ягона уйимиз абадий яшасин!

Илоё, Ватанимизни ёмон кўзлардан асрасин!

Ўзбекистоннинг буюк келажагини кўрмоқ бахти барчамизга, ҳаммамизга насиб этсин!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларига «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини бериш тўғрисида

Узбекистонда келажаги буюк давлат барпо этишга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссалари, Ватанимиз шонш-шуҳрати ва шарафини юксалтириш йўлида фидокорона хизмат қилаётганликлари ҳамда қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида фаол иштирок этаётганликлари учун Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларига «Узбекистон белгиси» кўкрак нишони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 30 август.

МУСТАҚИЛЛИК АБАДИЯТИ

Пойтахтимизнинг Бош майдонидаги байрам тантаналаридан репортаж



1997 йил 31 август. Тошкентда ўтган Мустақиллик байрами тантаналаридан лавҳалар. **ЎзА фотохроникаси.**

ОЛТИ ЙИЛНИНГ МАЗМУНИ

Олти йил... Кафтга қўниши мумкин бўлган қушдек мўъжаз. Абадият чексизлиги олдида эҳтимол камалак умридек қисқадир. Абадий дунёнинг энг қадим ижоди — Ватанимиз, «... миллатларнинг энг қадими...» (Амир Темур) халқимиз ёшига денгизга қуйилган олти қатра сувдек қўшилгандир. Уммонга қуйилган олти томчи сув сезилмай, билинмай, беиз кетади. Бироқ қадим ва навқирон Ватанимизнинг улуғ ёшига қўшилган Мустақиллигимизнинг олти йили... О, бу олти йилнинг улкан мазмуни, салобати, улуғворлиги ҳақида адашмай гапиришга, олтин қафасдан озод бўлиб, чаманзорга етган булбулдай ёниб куйлашга овоз пардаларим чидаб берса эди, илҳомим кучи етса эди кошки!

Олти йил... Олтита ям-яшил тоғ. Бунда ҳамма нарса ўсади, гуркирайди. Олтита шарқираган дарё. Ундан ҳар гиёҳу ҳар дарё сув ичади. Олтита гувиллаган денгиз. Унинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқ. Чексиз. Ҳа, Мустақиллигимиз чексиздир.

Мустақиллигимизнинг ибтидоси Тўмарис ва Широқнинг юрагидаги ўчдан, Жалолиддин Мангуберди ва Намоз ботирнинг қалбидаги қасосдан бошланади. Курашнинг қонуни шуки, озодлик учун курашганларнинг аксарияти озодлик кўрмай кетадилар — шаҳид бўладилар. Бизнинг замондошларимиз шунинг учун ҳам омадлики, аждодларимиз асрлар мобайнида гоҳ эришиб, гоҳ бой бериб келган ҳурриятни абадий қўлга киритдилар.

Биз баъзан мустақилликка эришдик, деймиз. Йўқ, биз уни қўлга киритганмиз. Курашларда қўлга киритганмиз уни. Ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамонлари, ўз курашлари, ўз кураш усуллари бўлади. Истиқлол асримиз ва давримизнинг, миллатимиз ва Ватанимизнинг номи тарихларда қоладиган қаҳрамони — доно йўлбошимиз Ислом Каримовнинг жасорати, кураш усулини тўғри танлай олгани туфайлигина бешикаст, безаҳмат қўлга киритилди. Ахир, озодликни қўлга киритишнинг энг мақбул йўли шу бўлганини вазият кўрсатиб турибдику.

Ҳар куни эрталаб уйидан кураш учун чиқмаган инсон яшамаяпман деса ҳам бўлади, деган экан файласуфлардан бири. Биз ҳам ҳар куни эрталаб атрофида фарзандларимиз ўтирган дастурхондан Мустақилликни мустаҳкамлаш кураши учун турайлик, ватандош! Мустақилликни мустаҳкамлаш, асраб-авайлаш, қўлда сақлаш ҳам курашдир.

БАЙРАМ ЧИРОҚЛАРИ

31 август. Оқшом. Ватанимиз пойтахтининг барча кўчалари, йўллари, майдонлари, саҳналари байрамона безатилган. Тошкентда буюк байрам руҳи ҳукмрон. Шарқ машъали — азим шаҳар улуғ айём либосида. Кўчалар четларидаги ранг-баранг байроқларнинг ҳилпираши дилларни ҳам мавжлантириб юборади. Бинолар пештоқида Мустақиллик йилномасини ёдга солувчи рақамлар. Ҳикматлар, доно битиклар. Мана уларнинг айримлари: «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Истиқлолинг, эркинг муборак бўлсин, азиз Ватан!». Улкан шаҳар нурлар уммонига ғарқ. Чироқлар ёруғида атроф-теварак яна-да гўзаллашган.

Мустақиллик майдони. Қизил, сариқ, яшил, сиёҳранг, зангори ёғдулар оғушида майдон денгиздек тўлқинланади. Бу чироқлар майдоннигина эмас, одамлар кўнглини ҳам ёритиб юборган. Осмон эса ўз чироқлари — юлдузларини ёқишга шошилмайди. Майдон марказида гўёки улкан бир театр бунёд этилган. Бу театрда ҳамма нарса мисли кўрилмаган заковат билан жой-жойига қўйилган. Ҳар бир чироқ, ҳар тола нур рамзий маънога эга. Рамзийлиги шундаки, театрда ўтмиш, бугун ва келажак, табиат ва инсон, кеча ва кундуз, куй ва қўшиқ, сўз ва шеър, йил фасллари, ҳайвонот ва наботот дунёси санъаткорона уйғунликда ифода этилган. Қадим Шарқ кентларини эслатувчи (электр таблолар) чироқ-шаҳарларда «ҳаёт қайнайди». Чироқ — дарёларда тўлиб нур оқади.

Мустақиллигимизнинг олти йиллик байрамини — эл-юртимизнинг қувончу шодиёнасини бутун дунё ҳайрат ила томоша қилмоқда — юксак тагликдаги глобус сарҳадсиз коинот аро сузиб юрган Ер шаридек ёғдулар шарорасида ярақлаб товланади. Глобусда Ўзбекистон харитаси ёниб-ўчиб алоҳида бўлиб турибди. Атрофдаги осмонўпар бинолар, узоқ-яқиндаги паст-баланд иморатлар, дарахтларгача — барча барчаси байрам саҳнасини тўлдириш, безатиш учун хизмат қилишга бўйсундирилган.

Мустақиллик майдони улкан фазовий маконга айланади гўё. Гўёки ҳамма нарсанинг ранги, туси ўзгара бошлайда. Майдон узра кўкдан илоҳий нур ёғилади. Бу — байрам чироқларининг сеҳри.

«ВАТАН ҲУРЛИГИГА ТЎЛДИ ОЛТИ ЁШ»

«Ҳукумат уйи» пештоқида — юксакда Ватан байроғи нурлар оғушида нур таратиб ҳилпирайди. Улкан саҳнанинг икки ёнида, баландда Ватан рамзи — Гербимиз порлаб кўринади. Кўнгиллар фахру ифтихорга тўлади. Мустақилликнинг мазмунларидан бири шуки, энди Байроғимизга ҳам, Гербимизга ҳам ҳеч ким, ҳеч нарса дахл қилолмайди.

Соат 19.30. Байрамнинг чорлов мусиқаси янграйди. Демак, байрам тантаналари бошланади.

«Ватан ҳурлигига тўлди олти ёш...» — ҳайбатли овоз янграйди. Байроқлар денгизи чайқалади.

Байроқлар кўтарган оқ либосдаги кўп сонли йигитлар қатор-қатор, саф-саф бўлиб тизиладилар. Майдонга давлатимиз раҳбари кириб келади. Ҳамма оёққа қалқади. Президентимизни олқишлар билан кутиб олади. Гўё майдонга йўлбошчимизнинг улкан самимияти, салобати, одамларга бўлган муҳаббати ҳам кириб келади. Йўлбошчимиз қалбида миллатни ойдинликка етаклаётган ёруғликни, нурафшон чеҳрасидаги донолик нурини ҳис этгандай бўламан. Ҳавога кўк, қизил, яшил шарлар кўтарилади. Саҳнага миллий либосдаги раққосалар кириб келади.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади. Президент халқимизни Мустақилликнинг олти йиллиги билан табриклайди. Юртбошимизга тушаётган чироқ нурлари унинг атрофини ёритиб турибди. Президентнинг гапларини жон қулоғим билан эшитаман. Табрик халқимизга бўлган чексиз меҳр билан сугорилган. Унда Мустақиллигимизнинг олти йиллик йўлига бир қур назар ташланар экан, меҳнаткашларимизнинг улкан бунёдкорлик меҳнатига муносиб баҳо берилади, истиқболимизга катта ишонч билдирилади. Мустақилликнинг катта моҳияти шу кичик табрикда жо, десам янглишмайман.

Гимн янграйди. Ҳамма оёққа қалқади. Назаримда, Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг янгроқ овозини бутун дунё тингламоқда. Ҳайбатли театрнинг пастдан юқорига кўтарилган «жонли девори»да Ўзбекистоннинг «жонли» байроғи ҳилпирайди.

МУСТАҚИЛЛИК БОЛАЛАРИ

Дунё болалари саҳнага чиқади. Бири ой, бири юлдуз, бири қуёш болалар. Бахтли болалик рақси, бахтиёр болалик қўшиғи янграйди. Улкан «Ҳумо қуши» учиб ўтади. Фарзандларимизга, мустақиллик болаларига саодат улашиб кетади гўё. Саҳнанинг икки четидаги баланд тўр (электр таблода) Ой момо ва бобо Қуёш акси. Эртаклар олами барчани ром этиб олади.

МУСТАҚИЛЛИК ҚЎШИҚЛАРИ, МУСТАҚИЛЛИК РАҚСЛАРИ

Саҳнага Қорақалпоғистон Республикаси санъаткорлари вакиллари кириб келади. Саҳна улкан раққосалар чаманзорига айланади. Юлдузлардек порлаб товланаётган раққосалар, бўғзини куйдириб қўшиқ айтаётган ҳофизлар қардош қорақалпоқ халқининг асрий армони ушалганини, Ўзбекистон мустақиллиги қорақалпоқ халқининг ҳам бахт-содати эканини изҳор этадилар.

Фарғона вилояти санъаткорларида фарғонача тўн, фарғонача дўппи, фарғонача белбоғ. Чилдирманинг фарғонача янграши осмонларни тутади. Оппоқ либосдаги раққосалар дарахтлари шамолда тебранаётган боғни эслатади.

Жиззахликлар қўшиғида нафақат байрам иштирокчилари, балки бутун ватандошларимиз кўнглидаги туйғу ифода этилади:

Мен учун азиздирсан,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Жиззахлик раққосаларнинг рақси оқаётган дарёни ёдга солади.

Майдонни чанқовузнинг дилбар садолари тутади. Қашқадарёлик бахшининг қудратли овози, миллий этнографик ансамбль раққосаларининг санъати, болаларнинг «тулпор» ўйнатишлари, ўзбекона улкан тўй-тантаналари манзараларини жонлантиради.

Саҳнада наманганлик санъаткорлар. Бу раққосалар хироми ёки баҳор фаслининг зеболигию, ороланишими, ажратиш қийин. Саҳна гоҳ олма гули, гоҳ гилос гули, гоҳ шафтоли гуллари рангига киради.

Навоийликлар санъатида дўстлик, аҳиллик рамзи, миллатлар дўст-иноқлиги мадҳ этилади.

Самарқандликларнинг қўшиқ ва рақсларида қадимият, бугун ва келажак мазмуни муштарак.

Айтиш керакки, бу пайтда раққосаларнинг ҳар бир ҳаракатидан тортиб майдондаги энг улкан иншоотларгача бир бутун мазмун ва шакл уйғунлигини, яхлит композицияни ташкил қилади.

Сурхондарёликлар миллий чўптаёқ рақсини намойиш этадилар. ушбу лавҳада миллий бўёқлар қуюқ. Бахши: «Амударё бўйида Термизийнинг қабри бор» деб айтади. Термизийнинг руҳи ҳаммамизни қўлласин!

Бухоро ва хоразмлик санъаткорларнинг истиқлолни мадҳ этувчи қўшиқ-рақслари, уларнинг миллий либослари, чўғирма телпаклар, хоразмча «шақилдоқ» рақсларни барча узоқ олқишлайди. Ўзининг 2500 йиллик тўйини нишонлаётган Бухоро ва Хева шаҳарларига бутун дунёнинг интилиши бежиз эмас.

Саҳнада Ўзбекистон ҳарбийлари — ҳарбий санъаткорлар. Ҳарбийларимиз — халқимизнинг муносиб посбонлари, ватандошларимиз оромини асровчи мудом сергак, ҳушёр, истиқлол учун жон фидо қилишга тайёр бўлган ўғлонларимиз, халқимиз тинчлигининг таянчларидир. Ҳарбийлар қўшиғининг садолари қалбларни ҳаяжонга солади.

Мамлакатимизда юздан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилади. Улар Ўзбекистонни жонажон Ватан деб биладилар. Ўзбекистон равнақи учун меҳнат қиладилар. Қозоқ, қирғиз, туркман, рус тилларида ижро этилган қўшиқларда истиқлолимиз шарафланади.

БАЙРАМ МУШАКЛАРИ

Мустақиллик майдони узра гўёки ранг-баранг юлдузлар сочилади. Мустақиллик саодатининг энг ёруғ шуълалари бутун мамлакатни, барча хонадонларни, барча қалбларни ёритиб юборгандек бўлади. Осмонимиз ҳам, заминимиз ҳам ойдин тортади. Бу мунаввар-лик энди бахт-саодатга элтгувчи йўлларимизни абадий ёритиб туради. Бундай миқёсдаги тантанага етти иқлим ҳавас қилса арзийди.

* * *

Байрам тантанасида республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур байрамни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис раисининг, Бош вазирнинг ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов қатнашдилар.

Азим СУЮН.

МИНОДАГИ ВОҚЕА

Андижонлик Абдул Маннон ҳожи Ҳалим қори ўғли ҳаж маросимида рўй берган ёнғин чоғида Ўзбекистон байроғини яқинлашиб келаётган аланга домидан олиб чиққани ҳақида

Ҳеч ким эл оғзига тушиш учун жасорат кўрсатмайди. Онгли равишда қаҳрамонликка интилиш — ақл бовар қилмайдиган иш. Бироқ вақти келса Ватан дея аталмиш муқаддас тушунчани қалбига жо этган ҳар бир мўмин халқ олқишига сазовор бўлиши мумкин. Абдул Маннон ҳожи ҳаётида ҳам худди шундай ҳолат юз берди.

МИНОДАГИ ВОҚЕА: Қуёш олов пуркайди. Ҳаж амалларини бажо айлашни ихтиёр этган дунё мусулмонларининг вакиллари Минога тўпланишган. Чодирларга одам сиғмайди. Саудия Арабистони вақти билан ёлғон арафа, яъни сешанба куни пешин намозидан сўнг бўлажак ҳожилар мовий осмон сари ўрлаётган қуюқ тутунни кўрдилар. Ҳамманинг нигоҳи тобора кўк юзини қоплаётган қора зулматга тикилган эди. Кимдир огоҳ этувчи овозда хабар берди.

— Ёнғин бошланди, манзилгоҳни тарк этинглар!

Жонларини Аллоҳ йўлига тикиб, ҳаж сафарига борган мўминлар хавфсиз жойга кўча бошладилар. Албатта, тирик жон, бировни ваҳима босади, биров фарзандларини ўйлайди... Ўзбекистонликлар ҳам интизом билан олға интилдилар. Орадан хиёл муддат ўтгач, аланганинг оташ нафаси сезила бошлади. Хайриятки, бу пайтда Минода саноқли кишилар қолганди. Улар орасида Абдул Маннон ҳожи ҳам бор эди. У туйнукка яқинлашаётиб, беихтиёр орқасига ўгирилди. Ўгирилди-ю муфти маҳкамаси устида ҳилпираб турган мамлакатимиз байроғига кўзи тушди...

АЖДОДЛАРИМИЗ ТАРИХИДАН: Уфқ тараф қоронғулашди. От туёқларининг товуши эшитилди. Ҳадемай, юрт бошлиғи Ўғизхон ҳузурига қўшин давлат элчилари кириб келдилар.

— Ўғизхон, отанг Туманхондан қолган қора тулпорингни сўраб келдик.

Ўғизхон мулозимларига маслаҳат солди.

— Ёв билан ёқалашамиз!

Ўғизхон бошқача йўл тутди. Тулпори жиловини элчига тутқазди.

МИНОДАГИ ВОҚЕА: Абдул Манноннинг кўзлари ёлқинланди. Орқасига қайрилди. Туйнукдан таниш овоз эшитилди.

— Тезроқ қочинг, ҳожи ака!

Бироқ у қочмади. Шу топда ўзини ўйламади. Ахир шундоқ рўпарасида Ўзбекистон байроғи турибди. Бу шунчаки, бир парча мато бўлсайдики, ўтга ташлаб кетаверса. Ахир, у Ватан рамзи, ўзбекнинг ғурури, ифтихори, ор-номуси... Бир маҳаллар қизил байроқ учун ҳам оталаримиз жонини қурбон қилишган. Бу-ку ўз байроғимиз, мустақил мамлакатимизнинг байроғи, кўрсанг кўзинг, боқсанг дилинг яйрайдиган байроқ!

У том тепасига интилди. Мустаҳкам боғланган дастани жон-жаҳди билан бўшатди. Яна қулоғига ўша овоз эшитилди.

— Байроқни менга ташланг, ўт яқинлашиб қолди.

Абдул Маннон байроқни ташламади. Аксинча маҳкам ушлаб туйнукка югурди. Шу топда вужудида беқиёс куч-қувват пайдо бўлганлигини, юраги шодликдан, ўзи ҳам англаб улгурмаган ички бир туғёндан ҳапқириб бораётганлигини сезди. У тўхтамай тўрт чақирим йўл босди...

АЖДОДЛАРИМИЗ ТАРИХИДАН: Элчилар бу сафар оғир талаб қўйишди.

— Хон суюкли ёрингни ўз оғушида кўрмоқ истайди.

Ўғизхон яна донишмандларга қулоқ тутди.

— Бекамизни бергандан кўра душман оёқлари остида топталганимиз афзал.

Ўғизхон сукутга чўмди. Вақт тўхтагандай, олам имтиҳосига етгандай эди. Ниҳоят юрт бошлиғи амр қилди. Суюкли ёр ёвга ёндашди...

МИНОДАГИ ВОҚЕА: Абдул Маннон ҳожи Мино тоғининг баланд жойидаги ялангликка байроқни тикди. Теварак — атрофда сон — саноқсиз одам. Ҳамма оқ либосда, ҳамма бир хил. Биров бировни танимайди. Ким араб, ким япон, ким осиёлик, ким Африкадан, қани қиёслаб бўлса? Худди шундай пайтда Ўзбекистон байроғи ҳилпираб, барча ўзбекларни ўз ёнига чорлади. Йўлини йўқотган, шеригини адаштирган, боши айланиб, кўзи тинган ўзбекистонлик ҳожилар севинч ила байроқ остига тўплана бошладилар. Қуёш жазиллатиб турса-да, Абдул Маннон ҳожи байроқни сира қўлидан қўймас, ҳамюртлари сафи тобора ортиб бораётганлигидан, қаторида хатолик йўқлигидан дили равшанлашиб, атрофга мағрур боқарди.

АЖДОДЛАРИМИЗ ТАРИХИДАН: Ўғизхон элчилар талабини эшитди-ю, кўзлари ғазабдан ял-ял ёнди. Дашт офтобида ёрилган лаблари титради. Томирлари бўртиб чиққан панжалари мушт бўлиб тугилди.

Аъёнлар уни тинчлантиришди.

— Бор-йўғи чангалзор, ботқоқ, тўқайзорни сўрашяпти. Илгариги талаблар олдида бу ҳеч гап эмас. Берсак, берибмиз-да.

Ўғизхон қаттиқ наъра тортди.

— Тўқайми, қамишзорми, ботқоқми — юртнинг ери, бизнинг Ватан. Ватан ҳеч қачон жангсиз берилмайди. Энди урушамиз...

Ўғизхон жанг қилиб, душманни таслим этди. Бу воқеа 2500 йил илгари содир бўлган эди...

Байроқ ҳамиша иймони улуғ, эътиқоди мустаҳкам кишилар қўлида бўлган. Ахир, ҳожи аканинг мана шу фидойилиги туфайли Ўзбекистондан борган 3700 ҳожи адашмай, шу байроқ остига жам бўлгани Ўзбекистонимиздаги ҳозирги одил сиёсат-ўзаро аҳиллик, бирлик, яқдиллик, ҳамкорликнинг рамзий намойиши эмасми?!

Жаҳоннинг нечта мусулмон давлатларидан ҳожилар борган бўлса, ўша воқеадан сўнг биронта мамлакат байроғини Минода кўрмадик. Шу маънода Абдул Маннон ҳожининг бу жасорати ҳар қанча таҳсинга лойиқдир. Диний маҳкамамиз ҳожи аканинг бу фидойилигига расмий равишда миннатдорчилик билдиргани ҳам барча ҳожиларнинг дилидаги иш бўлди.

ХОТИМА ЎРНИДА. Ўзбек халқи азалдан олим-у фозилларга, марду майдонларга

Ўзбек феъли

камбағал бўлган эмас. Зеро, бутун мусулмон дунёси эътироф этган олти буюк муҳаддиснинг тўрт нафари бизнинг авлодимиздан.

Жаҳоннинг тенг ярмига қулочи етган инсон ҳам бизнинг бобомиздир!

IX асрдаёқ фазога интилган ал-Жавҳарий ҳам ўзбекнинг фарзанди!

Ғурури баланд Ўғизхон, Тўмарис, Широқ, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Солиҳбек додҳо, мулла Алимқул додҳо, Дукчи Эшон каби жонини Ватанга баҳшида этган буюк инсонлар сони қанчадан-қанча. Уларнинг жасорати олдида биз ҳикоя қилган воқеа қуёшнинг бир заррасидир.

Аммо уммонлар томчилардан пайдо бўлгани, томчида қуёш акс этгани каби қалбида мустақил Ўзбекистонимизга меҳр-муҳаббат жўш урган, унинг истиқболи учун жонини тиккан ҳар бир фуқарони улуғлаш, ардоқлаш, керак бўлса, тавоб айлаш ҳар биримиз учун улуғ ҳикматдир. Бунинг учун эса Ватанни юракдан ҳис қилмоқ ва қалбдан севмоқ керак. Бунинг учун ватанпарвар бўлмоқ зарур.

Зотан, бахт иймонда, бахт ғурурда, бахт Ватанда!

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Мустақиллигимизнинг илк тантаналари бўлиб ўтган тотли лаҳзалар худди кечагидек ёдимизда.

Мана, истиқлолимизнинг олти йиллик тўйини нишонламоқдамиз! Албатта, байрамларимиз меҳмонларсиз ўтмайди. Юртимизга қадам қўйган ҳар бир инсон мустақиллик бизга қанчалар азизлигини ўз кўзи билан кўрди. Юртимиз, меҳримиз, мустақиллигимиз қадри ҳақидаги сўнмас таассуротларини бирга олиб кетади. Сиз ҳам уларнинг дил сўзларига қулоқ тутинг-а.

* * *

ҚОЗОҒИСТОН

— Мен яқинда иш юзасидан Тошкентда бўлдим. Ундаги ўзгаришларни, шаҳар таровати, файзини, айниқса, Мустақиллик майдонидаги улкан саҳна томошагоҳини кўриб, дилим фахр ва ифтихор туйғуларига тўлди. Кўпчиликнинг руҳиятидаги хурсандчиликни сезиб, шундай дориломон замонлар келганлигидан ўзимда йўқ фахрланиб кетдим. Ёшликда қийинчиликни бошимдан кечирганман. Ҳозиргидек инсонлар тақдирини тубдан ўзгартириб юборган истиқлол даврлари қадр-қиймати эндиликда ўзининг бутун бўй-бастини кўрсатаётганлиги ўзбек халқи учун энг катта неъмат, деб ўйлайман.

Мен Оллоҳдан истиқлолимизга ва ўзбек халқига нурли тилаклар ёр бўлишини сўрайман. Қай юртда бўлмайлик қалбларимиз ҳамиша бирга!

Саидваққос ЭШОНҚУЛОВ,
Чимкент шаҳри, Урицкий кўчаси, 40-уй.

ҚИРҒИЗИСТОН

— Ўзбекистонликлар билан азалдан борди-келдимиз бор. Бу ота — боболаримиз бошлаган анъана. Ўзбекларнинг туйи қирғизистонлик меҳмонларсиз ўтмайди. Қирғиз биродарлар даврасини ўзбек қадрдонлар тўлдиради. Қон-қариндошлик қалинлашиб, қуда-андачилик мустаҳкамланяпти. Мамлакат Президентларининг дўстлиги ҳам халқларимизга ибрат. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таъбири билан айтганда, урф-одатларимиз, маънавий қадриятларимиз бирлигига асосланган ўзбек ва қирғиз халқларининг яқдиллиги наслларимизнинг қон-қонига сингиб кетган ҳақиқатдир.

Замоннинг янгиланиши, Ўзбекистон ва Қирғизистонни мустақилликка эришуви дўстлигимизни аввалгидан ҳам мустаҳкамлади. Икки халқ бир-бирига суяниб иш юритаяпти.

Қизим Зуратхон Тошкент Давлат университетида ўқиди. Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидаги Сўлимсарой қишлоғига турмушга узатдик. Қудаларимиз жуда меҳмондўст. Улар билан кўришганимизда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ибратли ишларни эшитиб хурсанд бўламиз. Қудам — Сиёсатхон Абдуллаева Олтинкўл туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигининг номдор бригадири. Чигитни плёнка остига экиш бўйича тажрибасини айтиб, пахта далаларини кўрсатди. Деҳқончиликдаги янгилик ҳақидаги тасаввуримиз кенгайди.

Бир сафар Асакадаги автомобиль заводининг «Нексия» автомобилида шаҳар айлантиришгани ҳам ёдимиздан чиқмайди. Қардошларимиз автомобиль заводининг довруғи қувончимизга қувонч қўшди.

Аждодларимиз карвон етаклаган қадимий ипак йўлининг тикланиши — Тошкент — Ўш — Қашғар автомобиль йўлини барпо этилиши ҳам дўстликнинг қудратидан далолат бермоқда. Бу иншоот давлатларнигина эмас, халқларни бир-бирига боғлайди. Мустақиллик муваффақиятларини кўпайтиради.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган кенг кўламдаги ишларни айтаверсам адоғи йўқ. Куни кеча Олтинкўлдан нома олдик. Қизим-қудаларим таклиф этишибди. Умр йўлдошим ва набираларим билан албатта Андижонга борамиз. Қадрдонларимизнинг шодон кунларида қаторда бўлишни ўзи бир бахт. Қардошлик қувончи хонадонларимизда барқ ураверсин.

Мунисхон ЎРИНБОЕВА,
Қирғизистон Республикаси, Ўш шаҳрида истиқомат қилувчи кўп болали она.

ТОЖИКИСТОН

— Ўзбекистон ўз озодлигини нишонлайдиган кун менинг ва қишлоқдошларимнинг ҳаётидаги қувончли кундир. Биз бу байрамни ойнайи жаҳон орқали энтикиб томоша қилдик. Бахтиёр ва осойишта ҳаёт кечираётган одамларга интилиб, ҳавас қилиб яшаш барибир яхши-да!

Қишлоғимиз Тожикистон Республикаси, Ленинобод вилояти, Ғончи туманида жойлашган. Мужунликлар қувноқ ва иродали халқ. Бу ерда ҳамма бир-бирини танийди. Ҳамма бир-бири билан дардкаш ва ҳамнафас. Мен эса ўша дўппидеккина қишлоқда юртдошларимнинг қувонч ва ташвишларини кузатиб ижод қиламан. Илгарилари Ўзбекистонтондан тинимсиз мактублар, газета ва журналлар олардим. Ҳозир минг афсуски, ўша имкониятлар чекланиб қолди. Ҳатто ўз ижодимдан чиққан намуналар ҳам қўлимга яхшиларнинг ташрифи орқалигина етиб келади. Баъзан радио ва ойнайи жаҳон дастурларини тинглаб, томоша қилиб турганимизга ҳам шукроналар келтириб қўямиз. Лекин мен бир нарсага қаттиқ ишонаман. Дунёда инсондан иродалироқ ва кучлироқ мавжудод йўқ. Биз астойдил интилсак, ҳамма нарсага эришишимиз мумкин.

Халқда қўшнинг тинч бўлса, кўнглинг тинч деган гап бор. Ўзбекистонликлар ҳур ва хотиржам ҳаёт кечирар экан, биз ҳам хотиржаммиз.

Тошкентга борганимда Ўзбекистон болаларининг эркин ва билимдон бўлиб улғаяётганларини кўриб қувонаман. Озодликнинг тенгсиз неъмат эканлигини ғўдакликдан ҳис қилиб яшаш саодатига не етсин! Ахир тинчлик барқарор бўлган юртнинггина келажагига ишониш мумкин.

Очиғи, мен ҳаётимни ҳам, ижодимни ҳам Ўзбекистонсиз, Ўзбекистонда яшаётган дўстларимсиз, мухлисларимсиз тасаввур қилолмайман. Уларга интилиб саломатлигимни, руҳимни тиклайман.

Тилагим, юртингизда истиқлол қуёши ҳамиша порлаб турсин ва биз тожикистонликлар ҳам ўша офтоб тафтидан баҳраманд бўлиб яшайверайлик.

Зулфия БОБОЕВА,
Тожикистон Республикаси, Ленинобод вилояти Ғончи тумани, Мужун қишлоғи.

ТУРКМАНИСТОН

— Қирқ йилга яқин мактабда муаллимлик қилдим, ҳозир нафақадаман. Ўзбекистон, ўзбекистонликлар билан боғлиқ гўзал хотираларим бор. Ўттизинчи йилларда Шўро ҳукумати бор-йўғимизни тортиб олиб, Украинага сургун қилиб юборган. Ўн беш ёшимгача ўша жойда яшаганман. Сизу бизнинг севимли хофизимиз Фахриддин Умаров билан бир синфда ўқиганмиз. Ундан ташқари жуда кўп синфдошларимиз Ўзбекистоннинг турли шаҳару қишлоқларидан эди.

Ёлғиз болалик хотираларим эмас, ўрта яшарлик, кексалик, қувончларим, армон, соғинчларим ҳам Ўзбекистон билан туташ. Ўғлим Тошкентда, қизларим Фарғонада олий маълумот олишди. Улар изидан юриб кўп ёр-дўстлар орттирдим. Айниқса, Фарғона вилояти Қува туманидаги Акбаробод қишлоғида яшовчи Усмонали ва Хосиятхонлар оиласи билан қон-қариндошдек азиз бўлиб кетганмиз. Мудом яхшиликлар кўрганим учун, ўзим ҳам эзгулик соғинганим боис Ўзбекистон деганда кўз олдимга, энг аввало, ўша яқинларим сиймоси келади. Барча уларга ўхшашдай туюлади.

Озодлик юрти муваффақиятларидан, ўзгаришлардан хабардормиз. Жигар ўз жигари бахтидан қандай қувонса, биз ҳам сизнинг шодлигингиздан шундай қувонамиз. Байрамларингиз байрамларни бошлаб келаверсин! Тинч-тотувлик билан яхши қўшничилик алоқаларимиз давом этаверсин!

Пошша МАТСАФОЕВА,
Туркманистон Республикаси, Тошовуз вилояти «Озодлик» жамоа хўжалиги.

Изҳор қўнғироғи • 133 - 76 - 04 • 133 -73 - 43 • Изҳор қўнғироғи

ЮРАГИ ТОҒДАЙ ОДАМЛАРМИЗ

Сариосиё туманининг «Дашнобод» жамоа хўжалигида Тамархут деган қишлоқ бор. Мамлакатимиздаги энг баланд — Қолдирға чўққиси (денгиз сатҳидан 4683 метр) шу ердан яққол кўриниб туради. Биз Тамархутликлар теварак-атрофни ўша чўққидан туриб томоша қилишни яхши кўрамиз.

— Теварак-атроф дегани — юрт дегани, Ватан дегани. Ватаннинг гўшаларини эса яхшиёмонга, яқин-узоққа ажратмайдилар. Ватаннинг ҳар бир қадами, ҳар бир гўшаси муқаддас.

Мен бир оддий чорвадорман. Қўлимдан келганидами, шу Тамархут қишлоғимиз ҳақида достон тўқирдим, китоб ёзардим. Достоннинг мазмуни, чамаси шундай бўларди: менинг кўксим Қолдирға чўққисидан ҳам баланд. Чунки мустақил юртим обод, осойишта, қишлоғим сўлим, рўзғорим фаровон, Қўштут деган дарё шу чўққидан жилға бўлиб бошланади. Тўпалан дарёсига бориб қўшилади. Дарёлар буюк, бир-бирларига қўшилиб, бир-бирларига қувват бўлиб оқадилар. Юртдошларимиз, ўзбекистонликлар дарёларга ўхшайди. Қўлни қўлга бериб буюк келажак сари қадам ташлаётгани, шу узоқдаги ва энг баланддаги қишлоғимиздан кўриниб тургандай бўлади.

А. АБДУЛЛАЕВ.

МАМНУНИЯТ ТУЙҒУСИ

Буюк ватаним бўйлаб эсаётган истиқлол шабадасига олти йил тўлди. Бугун ўзбек диёрида, қадимий Турон заминида мустақиллик байрами кенг тантана қилиняпти. Мен мустақиллик майдонида байрам шодиёналарида бўлмасамда, тантаналарни меҳмонларнинг қувонч ва шодликларини юрак-юракдан ҳис этдим. Ахир қувонмай бўладими? Юртимни бугун жаҳон танияпти, у давлат тарзида ўз озодлигини байрам қилаяпти!

Бир сўз билан айтганда, истиқлол бизнинг кўзимизни очди. Адолат тарозиси, ўлчов мезони деган ғоя мана энди чинакам устиворликка эга бўлди. Кечагина давлат режаси дея бор топганини қўш қўллаб топширган чўпон энди ҳақиқий мулк эгаси. У оила пудрати, ижара шартномаси асосида ишлаяпти. Ўзидан ортганини давлатга топширяяпти. Буни мисол тариқасида шу йилнинг ўзида ҳам кўриш мумкин. Мен 305 бош



совлиқнинг ҳар юзтасидан 101 тадан қўзи олиб 209 бош эртаги қўзиларни ўстиришга қолдирдим. Жун — қоракўл тери ишлаб чиқариш режалари ҳам бажарилди. Натижада мукофот тарзида 20 та қўзига эга бўлдим. Совет тузумида бунга йўл бўлсин эди?

Яна бир ифтихор туйғуси бу — олис Учқудуқ даштларида, Орололди минтақаси, яъни Қорақалпоғистон Республикаси чегарасида қуй боқаётган бўлсамда, бизга кўрсатилаётган ғамхўрликлардан чексиз миннатдорман. Биз яшаётган ва ишлаётган яйловлар денгиз сатҳидан 10-15 метр пастда жойлашган ва у Мингбулоқ ботиғи деб аталади. Шундай шароитда меҳнат қилаётган бўлсак-да маданият, маориф, савдо, медицина хизматидан тўлиқ баҳраманд-миз. Турмуш ўртоғим Дамишхон билан 5 фарзандни вояга етказяпмиз.

Чинакам ватан туйғуси боис таҳририятга дил изҳорини йўллаяпман. Юртимизни Оллоҳнинг ўзи ёмон кўзлардан асрасин. Мустақиллигимиз мангу яшайверсин!

Абиш ТУЁҚБОЕВ,
Учқудуқ туманидаги «Мингбулоқ» жамоа хўжалигининг бош чўпони.

КАРТОШКАНИНГ САРАСИ СЎХ ДАРАСИДА БИТАДИ

Картошкани Америкадан келтиришган дейишади. Эҳтимол шундайдир. Бироқ энг сара, йирик картошка Сўхда битади. Зеро, серсув Сўх дарёсидан сув ичган картошка мазали бўлмай қоладими, ахир?! Фермерлик ҳаракати бошланган кезлари картошкачиликка ихтисослашган «Муҳиддин» фермер хўжалигини ташкил этдик. Бунда бизга туман ҳоким ёрдам берди. 1995 йили 10 гектар ерга картошка экдик. Вақтида парваришлаш, картошкачилик агротехникасига риоя қилиш туфайли биринчи йилиёқ деҳқончилигимиз юришиб, экинлардан мўл ҳосил олдик. 1996 йили фермер хўжалигимиз 880 минг сўм соф фойда кўрди! Олинган даромад ҳисобидан картошка сақланадиган омборхона қурдик. «Белорус» трактори сотиб олдик.

Бу йил эрта баҳорда 13 гектар ерга картошка уруғи қадаган эдик. Кўчатлар 70-80 фоиз кўкариб чиққандан сўнг енгил суғордик.

Бегона ўтларни пешма — пеш йўқотиб турдик. Картошка гуллаши арафасида ҳар гектар ҳисобига керакли ўғитлар солинди. Бизнинг тупроқ унумдор. Фақат картошкани тез-тез суғориб туриш керак. Ҳисоблаб чиқсак, картошка пишгунча 12 марта сув берибмиз. Қилинган астойдил меҳнат натижасида картошка мўл ҳосил берди. Ҳар гектар ҳисобига 310 центнердан картошка олдик. Йил охиригача 330 тонна картошка етиштирамиз. Бир пайтлар Россиядан келган картошкага қараб қолган халқимизни энди ўзимиз картошка билан тўлиқ таъминлаяпмиз. Сўх дарёси сувини ичган йирик ва сифатли картошкани одамлар севиб истеъмол қилаяпти. Ўзимиз ҳам меҳнатимиз самарасидан хурсандмиз. Зеро, бу йил картошкадан 4 миллион 620 минг сўм даромад оламиз.

Бундан кўрадиган соф фойдамиз эса 2,5 миллион сўмдан кам бўлмайди.

М.МУҲИДДИНОВ,
Сўх туманидаги «Муҳиддин» фермер хўжалиги раҳбари.

НУРЛИ КЕЛАЖАК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Мустақил бўлгунга қадар хўжалигимиз умуман газлашмаган эди. Қаерга мурожаат қилмайлик, «хўжалик юз фоиз газлаштирилган» деган шаполоқдек қоғозни кўрсатишарди. Ўша пайтлари дардимизни кимга айтишни ҳам билмай қолувдик. Ҳақиқат синмайди, деганлари рост экан. Мана, бугунга келиб жамоа аҳлининг тўқсон фоизи «занғори олов»дан фойдаланмоқда. Шунинг ўзи мустақиллик пойқадами эмасми?

Бундан ташқари дон мустақиллиги йўлида олиб бораётган ишларимиз ҳам чакки эмас. Жорий йилда дон режасини 150 фоиз қилиб уддаладик. Бошқа



жабҳалардаги кўрсаткичларимиз ҳам яхши. Халқ манфаати, юрт келажаги, қолаверса, хўжалигимизда истиқомат қилаётган барча аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш биринчи галдаги вазифамиздир.

Мамлакатимиз эндигина 6 ёшга тўлди. Шундай экан, ҳозирча мустақиллик бизга нима берди, деб эмас, биз мустақил Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун қандай меҳнат қиляпмиз, деган шиор билан ишласак, яшасак ёмон бўлмайди. Вақт — олий ҳакам. Йиллар ўтиб мустақиллик бизга буюк шон-шуҳрат келтиришига имонимиз комил. Ҳозирги кенг имкониятлардан самарали фойдалансак, келажакда албатта юзимиз ёруғ бўлади.

Яздон ҲАЙИТҚУЛОВ,
Сурхондарё вилояти, Денов тумани.

ГУЛСЕВАР ХАЛҚ ИҚБОЛЛИ

Гулга меҳр, боғларни ардоқлаш асли қонимизда бор. Бу бежиз эмас. Гул — гўзаллик, боғ — тўкинлик, хурсандчилик, осойишталик рамзи. Назаримда мустақиллик йилларида ҳамюртларимизнинг гўзалликка, ўзига хос миллий пардоз-андозга муносабатлари ўзгарди. Бу руҳиятимиз тозараётганидан, руҳи пок, тоза халқнинг яратувчилик, бунёдкорлик салоҳияти ортаётганлигини олти йиллик тажрибамиз яққол кўрсатиб турибди.

Биргина Наманганимизда шу қисқа вақтда эллик йиллар давомидаги орзуларимиз ушалди. Кенгайган йўллар, юзлаб бир-биридан бежирим қурилган иморатлар, оқшомда бутун шаҳарга чароғонлик баҳш этувчи янги чироқлар; бунақа бунёдкорлик ишлари беҳисоб. Яқинда эса республика ҳукуматининг бегараз мадади билан Учқўрғон — Наманган улкан сув узатиш иншооти қурилиб, шаҳримизга тоза оби ҳаёт келтирилди.

Яратувчи халқимиз, ҳамюртларимиз гулни, гулчиликни ҳам ўзгача ардоқлашади. Қай бир хонадон, ташкилот ёки корхонага борманг, гул ўстирмаган инсонни кузатмай қолмайсиз. Шаҳримизда гул байрами ўтказиш анъанага айлангани ва у қарийб 36 йилдан бери узлуксиз давом этаётгани ҳам табиатнинг бебаҳо муъжизаси эъзозда эканидан далолат.

Ўзим ҳам гулчиман. Чоғроқ ҳовлимнинг деярлик ҳаммаси гулзор. Ранго-ранг гуллар етиштираман. Ўзга юртлардан келтирилган навларни ҳонакилаштираман. Ҳозир биргина кактус гулининг мингдан ортиқ тури бор. Ишқибозлари кўп, сўраб туришади. Бажонидил бераман. Ўғлим Рустамжонда ҳам менга ўхшаб гулчиликка ҳавас уйғонган. Айни шу ҳунаримиз билан обрўйимиз баланд, ҳурматимиз жойида.

Жўрахон МЎМИНОВ,
Наманган шаҳар Янгиобод маҳалласида яшовчи, 31-мактаб ўқитувчиси.

Изҳор қўнғироғи • 133 - 76 - 04 • 133 -73 - 43 • Изҳор қўнғироғи

UZBEKSUGURTA — HOWDEN — LIHOU LTD

INSURANCE, REINSURANCE & FINANCIAL SERVICES





«ЎЗБЕКСУҒУРТА - ХАУДЕН - ЛИХУ» А.Ж.

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК БРИТАНИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА АҲОЛИСИНИ ИСТИҚЛОЛНИНГ 6 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНАЁТГАН БУЮК БАЙРАМ БИЛАН ҚУТЛАШ ШАРАФИГА МУЯССАР БЎЛГАНЛИГИДАН ЎЗ МАМНУНЛИГИНИ ИЗҲОР ЭТАДИ!

ҚЎШМА КОРХОНАМИЗНИНГ ФАОЛИЯТИЁҚ ЎЗБЕКИСТОН ВА БУЮК БРИТАНИЯ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР РИВОЖИДАН, МАМЛАКАТДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШ ОРҚАЛИ ТУБ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНЛИГИДАН ДАЛОЛАТДИР!

БИЗ МАМЛАКАТДА ИЛҒОР СУҒУРТА ТИЗИМИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИБ, АЙНИҚСА ЮКСАК ҲИМОЯ КАФОЛАТЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА БОҒЛИҚ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКДАГИ ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНЛИГИ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ!

БУ СЕРФАЙЗ ВА ҚАДИМИЙ ДИЁРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН БАРЧА АҲОЛИГА МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ, БАХТ-САОДАТ, ШОДУ ХУРРАМЛИК, МАМЛАКАТ РАҲБАРИЯТИ ОЛИБ БОРАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИГА МУВАФФАҚИЯТ ТИЛАЙМИЗ!

«ЎЗБЕКСУҒУРТА - ХАУДЕН - ЛИХУ» А.Ж.

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК БРИТАНИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ.



O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 2 sentabr, seshanba № 103 (22.187).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

БАЙРОҒИМ

(Сафлар қўшиғи)

Эрк байроғи ҳилпирайди,
Бугун озод бошим узра.
Шўх-шан ҳаёт гуркирайди,
Ҳур Ватан—Қуёшим узра.
Яшил-мовий-оқ Байроғим,
Йўлимда маёқ Байроғим.

Юзинг Ер-Осмоним ранги,
Мангу балқир ой-юлдузлар.
Кўнгилларнинг кетиб занги,
Сенга боқар қувнаб кўзлар.
Яшил-мовий-оқ Байроғим,
Йўлимда маёқ Байроғим.

Этиб фахр боболардан,
Ғурур билан тўлгунча дил.
Қалбим яйраб саболардан,
Одимлайман дадил-дадил.
Яшил-мовий-оқ Байроғим,
Йўлимда маёқ Байроғим.

Бошим узра баланд тутиб,
Мадад бергин деб Худойим,
Лабга босиб, кўзга суртиб,
Элтгум сени олға доим.
Яшил-мовий-оқ Байроғим,
Йўлимда маёқ Байроғим.

Файзи ШОҲИСМОИЛ.

ВАТАН ҲАҚИДА ШЕЪР

Зизлзиладай титратди бирдан
Хотиралар оламин юрак.
Ёдга тушди мактаб, у кунлар,
Мен тарк этган драмтўгарак.

Пайдо бўлдим саҳнада, мана,
Сонсиз кўзлар олар нишонга.
Ҳаяжоним, тўлғониб танда,
Тилим келмай қолди каломга.

Айтолмадим «Кўр бўл деб ватан»,
Ўйнолмадим хоин ролини.
Чиқиб кетдим чопиб саҳнадан
Бағрим алам-ўтда қоврилиб.

Кетдим шу кун фақат саҳнамас
Ташлаб драмтўгаракни ҳам.
Дўқлар урди, қилди илтимос,
Лек қайтара олмади домлам.

Кечир мени, домлажон, кечир,
Сездим бу кун барчаси нафсиз.
Чиқмагандек какку булбулдан
Чиқмас экан мендан ҳам артист.

Ўйнолмайман ўзгалар ролин
Айтолмайман бошқа қалб гапин.
Боз устига бўлмоқлик хоин...
Кечир, бунга йўқдир тоқатим.

Шу кун келиб уйимга, ёниб
Илк бор олдим қўлимга қалам.
Юртин сўккан хоинни яниб,
Ёздим унга ўч-нафрат билан.

Шундай қилиб топилди менга
Онам каби яна бир дардкаш.
Энди недан тўлсам аламга
Қўлга олдим қаламим яккаш.

Шодликни ҳам бўлишдик, болни
Синглим билан кўргандай баҳам.
Онам, синглимдай бўлиб қолди
Ҳаётимда шу митти қалам.

Бир кун, бир кун ўша саҳнадан
Ўша сонсиз кўзларга боқиб,
Шеър ўқидим сўз — ўқлар билан
Ватанфуруш зотларни отиб.

Шеър ўқидим: Ҳушбўй насимлар
Бағрингда ҳур елар деб, Ватан.
Сени кўр бўл деган разиллар
Ўзлари кўр бўлар деб, Ватан!

БУ ЖОЙЛАР

О, бу қандай жойлар-ей,
О, бу қандай жойлар-ей.
Тошдан-тошга оҳудай
Сакраб чопар сойлар-ей.

Қўкка учмоқ истамас,
Ҳатто емиш тусамас,
Шу жой бўлса басу бас,
Ўйнар беғам тойлар-ей.
Гўё борлиқ борини
Ҳадя этган барини

Кун чиқса ҳам шу ёққа,
Шу ёққадир ойлар-ей.

Ҳуркаккина қизлари,
Ой ўпмаган юзларин
Тушса ногоҳ кўзларинг
Хижолатдан «Вой»лар-ей.

Гуллар тутар хушнафас,
Ёнғоқ, бодом басма-бас,
Сув ичириб қилур маст
Оғзу бурнинг мойлар-ей.

Ташвишларни елкангдан
Олиб қўяр келсанг гар.
Баҳру дилинг очару
Юрагингни бойлар-ей.

Дўст-дунёда ўй-ғамдан
Гоҳ сиғолмай қолганда
Кел бу жойга, оламдан
Кенгроқдир бу жойлар-ей!

Мустақиллик мадҳи

80-ЙИЛЛАР. КУЗ

Беҳа қолган аёл — сарғайган
дарахт.
Шамолда йиғлайди юлиб
сочини.
Қушлар — чирқираган
норасидалар,
Оҳлари тутади фалак тоқини.

Чўкиб бораётган онамиз — Орол.
Ўлмоқда жонзотлар —
қавмларимиз.
Шўрли пешонамиз — оппоқ
пахтазор,
Эгатлар — саноқсиз
ажинларимиз.

Тобора мадори қурир ёрдамга
Чўзилган тоғ қўли — Аму ва
Сирнинг,
Юкин кўтаролмай миллион
тонналаб
Оқ олтин бергувчи бу хоксор
ернинг.

Осмон—киприк қоқмай боққан
улкан кўз,
Кўриб бўлаётган ишлар
барчасин,
Ҳайратдан бақрайиб қолгану
бесўз
Ва чиқиб кетган у кўзнинг
пахтаси —
Анов оқ булутлар тўдаси.

Дилшод РАЖАБ.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қатталқўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0578

Босишга топшириш вакти 21.00. Топширилди 22.00

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

"ЎЗБАЛИҚ"
давлат ҳиссадорлик корпорацияси

келажаги порлоқ Ўзбекистонимиз истиқлолининг олти йиллиги муносабати билан республика раҳбарияти ва бутун Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этади! Олти ёшинг — олтин ёшинг, алп қадамларинг муборак бўлсин!

"ЎЗБАЛИҚ" КОРПОРАЦИЯСИ ҲАЙЪАТИ

TOSKENT SUT

«Тошкентсут»
ҳиссадорлик жамияти жамоаси

Ўзбекистоннинг барча аҳолисини миллий байрам — мамлакат мустақиллигининг олти йиллик айёми билан муборакбод этади. Барчага тинчлик-тотувлик, бахт-саодат ва омад тилаб қоламиз.

ҚАЛБИ ЎЙҒОҚ ҚЎШИҚЧИ

Қушиқлар ҳам, қушиқчилар ҳам кўп. Яхши қушиқлар эса назаримда, жудаям сероб эмас. Халқимиз яхши қушиқ ва қушиқчини қадрлайди. Олимжон Орифжонов эл эътироф этган санъаткорларимиздан. Ўзига хос ширали овози бор. Дилрабо қушиқлари билан танилган. 1980 йилдан буён «Ўзбекнаво» таркибида ўз гуруҳи билан фаолият кўрсатяпти.



Ташриф

— Бугунги қўшиқчилигимиз равнақи ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни билмоқчи эдик.

— Санъат — муқаддас даргоҳ. Модомики, бу оламга қадам қўйдингми, демак ўзингдан яхши из қолдиришинг керак. Қадимдан ўзбек санъати бой меросга эга. Биз ҳам шу меросни тўлдира боришимиз зарур, деб биламан. Бунга кенг имкон очилди. Айнан бугун шундай бўляпти ҳам. Шуни таъкидлашни истардимки, санъат мисли чашма. Йилдан йилга халқ орасидан ёш ҳаваскорлар етишиб чиқаверади. Худди кўзи очилган тиниқ булоқдек. Кейинги йилларда бўлиб ўтаётган кўпгина кўрик-танловлар шундай ёш овозларни элга танитяпти. Мумтоз қўшиқ ижрочилари ҳаётида Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов каби хотира кўрик-танловлари, «Офарин» эстрада қўшиқлари ёш ижрочилари кўриги уларнинг эл назарига тушишига сабаб бўлганига аминман.

Зотан, овоз Оллоҳ томонидан берилган ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган ноёб неъматдир. Бир чети уларни асрай билишимиз ҳам керак. Авлодимизда санъаткор йўқ. Фарзандларим орасида ҳам йўқ.

Жуда эрта — 5 яшарлигимданоқ ашула айта бошлаганман. Бувимнинг айтишларича, ҳамма тенгқурларим «ёғоч — от» минса, мен қўлимда «тор» қилиб чалар-канман. Яхши қўшиқ эшитсам борлиғим билан эшитиб, радио — карнайга тикилиб ўтирардим. Айниқса, «Фахриддин Умаров ижро этади» дейишса, бари юмушимни йиғиштириб тинглардим. 1963 йилда Наманган шаҳридаги 22-мактабни тугатдим. Касб танлашнинг ҳожати йўқ эди: қўшиқчи бўламан!

— Бўлдингиз ҳам, тўғрими? Айтинг-чи, дастлабки саҳнага чиқишда албатта, ҳаяжон бўлади. Сиз қуйлаётганингизда томошабинни кўрасизми, ҳис қиласизми?

Қайси саҳнада эркинсиз?

— Ҳамиша тингловчи олдига чиққанимда ҳаяжонланаман.

Эсимда, бир сафар Навоий номли театрда катта концерт берилаётганди. Қўшиғимни дадил бошладим, иккинчи устунини айтаётиб, беихтиёр кўзим биринчи қаторда ўтирган раҳматли Шароф Рашидовга тушиб қолди. У киши қўшиқданми ёки қуйданми таъсирланиб бошларини оҳиста тебратардилар. Ишонасизми, азбароймаҳаяжондан сўзларимни унутиб қўйдим. Буни ҳеч ким сезмади, созандалардан бошқа. Мусиқачиларим дарҳол куйни бошидан олишди. Томошабинни эса ҳар доим қаршимда ҳис этаман. Биласизми, баъзан айланма саҳна, ўйингоҳларда ашула айтаётганимда сал ўзимни ноқулай ҳис этаман. Томошабинимга бир сония ҳам юз ўгириб тургим келмайди. Ҳаяжонсиз куйлай олмайман... Барибир ўзимни эркин тутаман. «Халқлар дўстлиги» саройидаги минглаб томошабин билан тўйхонадаги меҳмон ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Санъаткор халқ хизматкори. Мен учун қаерда бўлмасин халқнинг «қабул қилиши» муҳимдир. Ахир қайси ўзбекнинг тўй-тантанаси санъаткорсиз ўтган?! Халқимиз санъатни чуқур тушунади. Қадрлайди.

— Ўзингиз нечта тўй қилдингиз? Қўшиқчининг тўйида ким хизмат қилади?

— Тўрт нафар фарзандим бор — 2 ўғил, 2 қиз. Худога шукур, 4 марта тўй қилиш насиб этди. Келин туширдик, қиз чиқардик. Санъаткорнинг тўйида ёр-биродарлари эл қатори меҳмон бўлади.

— Хорижий тилларда камроқ айтасизми? Ҳозир баъзи хонандалар шарқ, ғарб мусиқасига ўзбекча матн қўйиб айтяпти. Тингловчи яхши қабул қиляпти ҳам. Сизчи?

— Араб, турк, ҳинд, эрон, афғон тилларида қўшиқларим бор. Бошқа халқ қўшиғини маромига етказиб айтолмаса, яхшиси айтмаган маъқул.

Дунёнинг 50-60 дан ортиқ давлатида ижодий сафарда бўлганман. Япония, Франция, Тунис, Марокаш... Хуллас, араб шинавандаларига ўз тилида ашулани бузиб айтсангиз ҳам олқишлайди — тил билиш дилни пайвандлайди-да. Лекин ўзбек тингловчисига хом-хатала чет эл қўшиғи нима маънавий озуқа беради? Ғарб мусиқасига ўзбекча матн қўйилиши-чи? Билмадим, бошқаларга қандай бу ҳодиса, лекин мен қўшилмайман. Бу йўналишдан кетаётган бир гуруҳ ёш ижрочиларнинг ижодини қўллаб-қувватламайман. Чунки бу қўшиқлар халққа ҳеч нарса бермайдида. Уларнинг озми-кўпми сарфлаган меҳнатига, ундан ҳам кўпроқ ўтган вақтига ачинаман. Эндигина танилаётган хонанда ўз йўлидан борсин, ўз қўшиғини дунёга келтирсин.

— Махсус ёзилган қўшиқларингиз ҳам кўпми?

— Ҳа, талайгина. Нормурод Нарзуллаев билан «Ҳар элнинг ўз баҳори бор», «Севги сеҳри», «Тинчлик керак» ва бошқа кўп ашулаларимни ҳамкорликда яратганмиз.

— Ашулачининг ўзи ҳам яйраб айтадиган қўшиғи бўладими?

— Бўлади. «Сиз ўт қаланг чирмандага»ни шундай айтаман. Лекин ҳаммасини ҳам юрақдан айтмаса тингловчига етказолмайсиз.

— Кўпчилик сизни «миллий қўшиқчилик жонкуяри» дейди. Ўзингиз қандай изоҳлайсиз?

— Ҳақиқатан, санъатимизнинг миллий анъаналарини янада ривожлантиришни жуда истардим. Хорижий сафарларда кўп кузатаман. Зотан, бизнинг тимсолимизда улар Ўзбекистонни кўрадилар.

Саида БОНУ суҳбатлашди.

«АНОР»НИНГ ГАЛДАГИ САФАРИ — МИСРГА

Қува туман марказий маданият уйига қарашли «Анор» ашула ва рақс халқ дастаси хорижда — Голландия, Белгия, Болгария, Афғонистон, Туркия каби давлатларда ижодий сафарларда бўлиб қайтди.

«Анор» ашула ва рақс дастаси аъзолари яқинда яна бир хушхабар олишди. Улар Миср Араб Республикасининг Исмоилия шаҳри халқаро фольклор этнографик фестивалига таклиф этилди. Бу фестивалга даста қатнашчилари миллий анъаналаримиз руҳида суғорилган концерт дастурларини тайёрлади.

Садбархон ЖЎРАЕВА.

БОҒЧА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ

Бугун мамлакатимизнинг минглаб мактабларида биринчи қўнғироқ садолари янграйди. Ўқувчилар янги ўқув йилининг илк сабоғини Мустақиллик дарси билан бошлайдилар

Таълим ва ислоҳот

Республикамизда халқ таълимини ислоҳ қилиш, уни ривожлантириш борасида кўплаб изланишлар амалга оширилмоқда.

Тошкентдаги Акмал Икромов туманига қарашли 604-болалар боғчаси ва 203-мактаб ҳамкорлигида ташкил қилинган янги «Мактабгача тарбия ва бошланғич таълим» ўқув муассасаси ҳам шундай изланишлар натижасидир.

— Халқимизда «Бола тарбияси бешикдан» деган ажойиб мақол бор. Янги ўқув муссасасининг ўзига хослиги шундаки, унда 4-синфгача бўлган болалар таълими бевосита махсус боғчада математика ва инглиз тили йўналиши бўйича амалга оширилади. Ўқитувчилар, ўқув қўлланмалари мактаб томонидан таъминланса, ўқувчиларнинг дарсдан кейинги фаолиятларини боғча опалар ўз зиммаларига олишади. Бу ерда болаларни вақтида овқатлантириш билан биргаликда, уларнинг турли ихтисослар соҳасидаги қобилиятлари ҳам махсус дастурлар орқали ривожлантира борилади, — дейди 203-мактаб директори Қодиржон Эгамбердиев.

— Бунинг учун боғчада махсус синфлар — хоналар таъмирлаб, тайёр қилиб қўйилган. Бу хоналарда болалар боғча опалари назоратида уй вазифаларини тайёрлашлари, шунингдек компьютер ва бошқа соҳадаги билимларини оширишлари мумкин, —дея директор гапини давом эттиради 604-болалар боғчаси мудираси Турсуной Акрамова.

Муассасада янги ўқув йилида 60 нафар 1-синф ўқувчилари таълим олишни бошлашади. Дарслар боғчада соат 8.30дан кечки 17.00гача амалга оширилади.

Ўйлаймизки, бу изланиш — боғча ва мактаб тарбиясининг узвий равишда олиб борилиши ўзининг самарали натижасини беради.

Малик МАНСУР,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АМЕРИКАЛИК ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎРГАНМОҚДА

Американинг Бостон шаҳридаги Гарвард университети тадқиқотчиси Доминика Барон ўзбек ва рус тилларини қиёсий ўрганиш дастури бўйича Узбекистонда ўз илмий ишини давом эттирмоқда. Узбек тили бўйича илк сабоқни Гарвард университети ўқитувчиси Гулнора Аминовадан олгач, олима Тошкентга келиб узбек тили бўйича билимини оширмоқда. Олим тилларни солиштирар экан, кейинги йилларда узбек тили лугат бойлиги ўз ички имкониятлари ҳисобига бойиганлигига куплаб мисоллар топди. Шу билан бирга бозор иқтисодиёти шароитида чет тиллардан кирган иқтисодга оид атамалар масаласига алоҳида эътибор бериш кераклигини англади. Доминика Барон фикрича, узбек тилида иқтисодий атамаларнинг шаклланиши масалалари алоҳида мавзу сифатида ишланса, нашрлардаги бир сўз ўрнида турли хил атамалар ишлатилишига барҳам берилади.

Эргаш УМАРОВ.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 6 сентябрь, шанба куни чиқади).